

Ҳадисларда Илм Ва Маърифат

Саматов Шамат Бердиевич¹, Саматова Нодира Шаматовна²

Abstract: The article analyzes the essence of the problem of knowledge and enlightenment in hadiths on a deep analytical basis.

Key words: The god, prophet, fortress, hadith, Islom, word, knowledge, spirit, mind, thinking, enlightenment, education, upbringing, extinction of ancestors, stories, wisdom, common sense, morality, justice, patience, satisfaction, ideological belief, miracle and e.t.c

INTRODUCTION

Аллоҳнинг каломи ҳисобланмиш муқаддас Қуръони Каримда илмга чақирадиган, қизиқтирадиган ва илм аҳлини мақтайдиган 600 дан ортиқ оят бор. Ислом оламида алоҳида эътироф этиладиган олим ва уламо Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуфнинг маълумотига кўра, Қуръонда «илм» сўзи турли ҳолларда 765 марта тақрорланади.

Қуръони Каримнинг «Исрө» сураси 70-оятида: «Батаҳқиқ, биз бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик», деб таъкидланган.

«Мужодала» сураси, 11-оятда эса: «... Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни баланд даражага (мартаба) ларга кўтарур», деб марҳамат қилинади.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам (с.а.в.) га илк нозил қилган сурабўлмиш Алак сураси «Иқро» -яъни «Ўқи» деган хитоб билан бошланган. Бу ҳам исломда илмнинг даражаси на қадар юксак эканини кўрсатади Зоро, ўқиш-илмга етказадиган мухим воситадир.

RESULTS AND DISCUSSION

Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг ҳаётлари ва айтган сўзлари-яъни ҳадислар ҳам илмга даъват билан тўла.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) илм олиш фазилатини шундай баён қилдилар: «Ким илм талаб қилиш йўлини тутса, Аллоҳ таоло уни жаннат йўлига йўллаб қўяди» (Имом Муслим ривояти).

«Инсон вафот этиши билан (мана шу) уч нарсадан ташқари ҳамма амали узилади: садақаи жория, фойдали илм ёки ҳақига дуо қиладиган солиҳ фарзанд» (Имом Бухорий ривояти).

Ислом тарихидан маълумки, Пайғамбаримиз с.а.в. га илк бор нозил этилган оятлар инсонни ўқишига, илм олишга тарғиб қилади.

Илм-маърифатли бўлишнинг фазилати нечоғли юксак экани барчага маълум. Илм билан дунё обод, инсоният ҳаёти фаровон, илмли кишининг йўли доимо нурафшон бўлади. Шу боис илм исташ, унга этиш йўлида машаққат чекиши энг савобли амаллардан саналади.

Ислом динида илм деганда ҳам диний, ҳам дунёвий илмлар тушунилади. **Диний илм** инсоннинг руҳий ҳаёти, унинг эътиқодига оид бўлиб, охирати учун зарур бўлса, **дунёвий илм** унинг жисмоний ҳаёти, дунё ободлиги учун зарурдир. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда:

¹ Термиз давлат университети фалсафа кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон Республикаси)

² Термиз давлат университети Ёшлиар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими ходими



«Сизларнинг энг яхшингиз бу дунёни деб охиратини унутмаган, охиратини деб бу дунёсини унутмаган ва ўзгаларга қарам бўлмаганингиздир» (Имом Дайламий ривояти) дейилган.

Хадис ва бошқа ислом муқаддас китобларида илм эзгулик, покликка етакловчи, инсонларни турли оғатлардан асровчи восита деб қаралади, қоронғуликда йўл кўрсатувчи машъал тариқасида талқин қилинади. Илм бу-ҳикмат, поклик рамзи; илмсизлик бу-жоҳиллик, илм билан шуғулланмаслик нопокликка олиб келиши ҳам таъкидланади. Илм аввало иймон, эътиқоддир. Иймон билан илм эгизак. Ҳар қандай илмли одам ўз билимига амал қилиши, ундан келиб чиқиб, кишиларга йўл кўрсатиши, маслаҳат бермоғи лозим. Диннинг асосини иймон, эътиқод ташкил этали.

Хадиси шарифда таъкидланишича: «Диннинг офати учтадир: 1) беамал олим; 2) золим ҳоким; 3) билмасдан фатво айтувчи уламо» дир.

Шундай экан, илмни қадрловчи кишига ўргатиш лозим. Уни хўрловчи, менсимайдиган кишига ўргатиш гуноҳ, деб қаралади.

Илм ақл-заковат, ҳикматдир. Шу боис, илм, касб-хунар, ҳикмат эгалламоқ инсоннинг энг олийжаноб фазилати бўлмоғи лозим. Илмли кишиларни эъзозлаш, ҳурмат қилиш ҳар ким учун ҳам қарз, ҳам фарзdir. Ҳадисда айтилишича: «Олимнинг ўлими оламнинг ўлими демакдир».

Ёки: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлариридир». «Пайғамбарлардан динор ҳам, дирҳам ҳам мерос қолмаган, улардан илм мерос қолган. Ким ўшани олса, улкан насибани олган бўлади» (Абу Дардо ривояти).

Илмли кишилар савоб ишларни қиласидилар. Шу сабабли, илмли кишиларга инсонлар, қолаверса, бутун мавжудот хайриҳоҳ.

Ҳадисда таъкидланганидек: «Илмга ҳар бир нарса истиғфор айлади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам». Илм олиш олийжаноб ва савобли иш бўлиб, ҳатто ибодат, тақводан ҳам афзал ҳисобланган. Савобли илм диннинг асосини ташкил этали. «Дин насиҳатдир,» - деган эди Пайғамбаримиз Мухаммад с.а.в. Илм, ҳикмат кишини турли нопок ишлардан асрайди. Ҳадисларда таъкидланишича: «Бир соат илм ўрганиш кечаси билан номоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир».

Илм кишиларга наф келтириши лозим. Илм фойдали бўлиши учун у одамларга ўргатилиши даркор. Илмли киши садоқатли бўлиши, кишиларга яхшиликни ўргатиши керак. Илм билимли киши учун фазилат бўлса, бу ҳолатни у бошқаларга сингдириши зарур. Шу боисдан, Ҳадисларда илмли киши мевали дараҳтга менгзатилади. Ўз навбатида, унумдор тупроққа ўхшатилади, ундаги унган ўсимликлар, гиёҳлар инсонларни озиқлантиради. Сув ерларга ҳаёт бағишлиганидек, илм ҳам кишиларга эзгулик, яхшилик келтиради. Илму ҳикмат ўткинчи эмас, у абадий. Шунинг учун мўмин кишига вафотидан кейин етиб турадиган савоб нарса унинг тарқатган илмидир.

Мухаммад пайғамбар ўз ҳадисларида хитоб этадиларки: «Илм эгалланг! Илм сахрова-дўст, ҳаёт ўйларида-таянч, ёлғизлик дамларида-йўлдош, баҳтиёр дамларда-раҳбар, қайғули онларда-мададкор, одамлар орасида-зеб-у зийнат, душманларга қарши курашда-куролдир».

Шунингдек, ҳадисларда: «Ҳар бир мусулмонга илмга интилиш фарзdir,» - дейилган. Бу фикр таълимнинг умумий мажбурийлигига мосдир.

Муқаддас ислом дини кўрсатмалари бўйича мўмин-мусулмонлар, имон-эътиқодли, ихлос ва ибодатли бўлишлари керак. Лекин оят ва ҳадисларда илм-маърифат билан шуғулланиш нафл ибодатдан улуғ экани тўғрисида ҳам етарли далиллар бор. Айрим кишилар илм деганда фақат диний илмларни назарда тутиб, дунёвий фанларнинг қадри исломда йўқдек нотўғри фикр юритадилар. Аслида эса, диний илмлар ҳам, дунёвий илмлар ҳам бир илм. Уларни бир-биридан ажратиш ножоиздир. Масалан, Одам алайҳиссаломга фаришталарнинг таъзим саждасини бажо келтиришларига нима сабаб бўлган? Қайси хислатлари билан фаришталардан афзаллик қилдилар? Ҳа, биз ҳозир дунёвий илм деб атайдиган илмлар билан Одам ато малоикалардан



устунлик қилдилар. Ул зоти бобаракот мавжудот ва маҳлуқотларнинг номларини бирма-бир айтиб берганлари туфайли таъзимга сазовор бўлдилар. Яна бошқа бир мисол, «Тафсироти Аҳмадия» китобида ёзишича, Куръони Каримда имон, эътиқод, шаърий аҳком каби диний билимлардан ташқари физика, математика, астрономия, тиббиёт каби дунёвий ва табиий фанларга оид маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, эллик турдан ортиқ илму фанларга далолат қиласиган оялгар ўз ифодасини топган.

Анас ибн Молиқдан ривоят қилинган қўйидаги ҳадисда ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни талаб қилиш фарзлари кўзга яққол ташланади.

Илм-хунар ўрганишда бугунги куннинг энг долзарб муаммоси ҳисобланган жаҳон тажрибаларидан фойдаланишга ҳам даъват этилган.

Ҳадиси шарифда таъкидланганидек: «Илм Чин-Мочин (Хитой) да бўлса ҳам уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздири».

Бурхониддин Марғиноний ҳазратларини оладиган бўлсак, ўзларининг «ал-Ҳидоя» китобида ҳар бир фиқҳий масалага оят, ҳадис билан бирга ақлий далил, яъни мантиқ, математика, биология, табобат каби фанлардан ҳам ўз жойида мисоллар келтириб ўтадилар.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ўтган барча пайғамбарлар, шу жумладан, бизнинг жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в) ҳам ўз умматларига фақат диний таълим бериш учун юборилмаганлар, балки дунёвий ишларга, турмуш тарзи, тирикчилик, тижоратдан тортиб, дехқончиликкача, уй-рўзгор ишидан тортиб, спорт ишларигача тегишли кўрсатмаларни бериб кетганлар.

Шуни билиб қўйишимиз керакки, қасб-хунар билан шуғулланиш оддий инсонларгагина хос хислат эмас, балки Аллоҳ таолонинг танланган бандалари-пайғамбарлар ҳам қасб-хунар қилиб, меҳнат қилиб кун кечиришган.

Жумладан, ҳадиси шарифда таъкидланганидек: «Одам алайҳиссалом дехқончилик, Нух алайҳиссалом дурадгорлик, Идрис алайҳиссалом тикувчилик, Иброҳим ва Лут алайҳиссаломлар зироат, Солих алайҳиссалом тижорат, Довуд алайҳиссалом совутлар ясаш, Мусо, Шуайб ва Муҳаммад алайҳиссаломлар эса чўпонлик билан шуғулланганлар». (Ибн Аббос ривояти).

Оқиллар наздида ета олиш мумкин бўлган чўққи-бу ҳалол, пок ва муносиб яшашидир. Бизнинг аждодларимиз ана шундай ҳаётдан қониқиши ҳосил қилганлар, шукронга айтганлар. Шунинг учун биз бу буюк зотлар ҳаётини чуқур ўрганишимиз керак. Хусусан тасаввуф илмининг алломалари «Луқмай ҳалол» қоидасига қатъий амал қилганлар.

Бухородаги етти пирнинг биринчиси, Хожагон тариқатининг асосчиси саналган улуг бобомиз Абдухолиқ Фиждувоний ўзларининг машҳур «Тариқат одоби» асарларида шундай дейди: «Худойи таоло, Расулуллоҳ, ота-она ва барча машойихларнинг ҳақларини адо қилувчи бўл». Яна : «Тақлидчи (сохта) сўфийлардан узок бўлгинки, улар дин йўлининг ўғриларидир ва мусулмонларни йўлдан урувчилардир».

Биз яшаётган дунёда рўй бераётган хунрезликлар (қон тўкишлар), динни никоб қилиб олганлар қилмишлари ҳақида эшитарканмиз, буюк бобомиз Абдухолиқ Фиждувонийнинг бу пурмаъно сўzlари ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаганини ҳис этамиз.

«Одамларнинг бўйнига юк бўлмаслик керак. Бу эса ҳалол қасб-корсиз амалга ошмагай», дея меҳнатсеварликка даъват этади, улуг пир. Унинг шукр қилиш, мансаб ва шуҳратпарастликка берилемаслик, бошқаларга хушмуомала бўлиш тўғрисидаги панд-насиҳатлари ҳам қимматлидир. Демак, авлиёлар султони бўлмиш улуг бобокалонимизнинг ана шундай эзгу ғоялари мазмунини одамларга ҳалқона содда тилда етказсак, бурчимизни адо этган бўламиз.

Хожа Баҳоуддин Накшбанд демишлар: «Ҳар ким бир иш билан машғул бўлади. Ҳар бир инсон дараҳт кабидир. Фойдасиз дараҳт йўқ. Таъми турлича бўлса ҳам ё мева беради, ё соясида одамлар дам олади. Ё чиройли ва кўркамлигини кўриб, ибрат назари билан боқсанча завқ олади».



Тасаввуф тариқати вакиллари узлатни рад этиб, ижтимоий фаоллик тарғиботи борасида ўзлари шахсий намуна бўлгани таҳсинга лойиқ. Масалан, Аҳмад Яссавий ва Хожа Ориф Ревгарий-дехқончилик, Абдухолиқ Гиждувоний бўз тўқиши, Хожа Маҳмуд Анжир, Фағнавий гилкорлик (сувоқчилик), дурадгорлик, тижорат билан шуғулланган, Хожа Али Ромитаний мато тўқиган, Хожа Бобои Самосий боғларга қараган, Сайид Амир Кулол кулоллик, Шайх Иброҳим Ажарий гишт терувчи, Шайх Абулҳасан дурадгор, Ҳазрати Имом номи ила машҳур Каффол Шоший моҳир қулфсоз уста, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд эса матога нақш босиш билан бирга, гилкорлик ва бошқа хунарлар билан банд бўлганлар.

Исломнинг йирик назариётчиларидан бири, нақшбандия таълимоти вакили Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам тариқатда текинхўрлик, бирорлар ҳисобига кун кечириш мумкин эмаслигини уқтириб, ҳар бир касбнинг ахлоқий меъёрлари мавжудлигини, меҳнат қилганда уларга риоя қилиш заруратини қайд этади.

Шундай экан, масалага бугунги реал воқеийлик қўзи билан қарайдиган ва баҳо берадиган бўлсак, келиб чиқадиган хулоса шуки, фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрули ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки, биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Зоро, Ҳазрати Али таъкидлаганидек: «Илм бойликтан устун. Чунки бойликни сен қўриқлайсан, илм эса сени асрайди».

Ҳадисларда уламолар «Илм ўрганиб, илм тарқатишга киришсинлар, билмаганларга ўргатсинлар. Зоро, илм сир тутилса, ҳалокат бошланади», - деб айтилган. Шу билан бирга, илм фақат бирорлар мулки эмас, у бутун инсният маънавий мулкидир.

Ҳадиси шарифда: «Хикмат мўминнинг йўқотган нарсасидир, уни қаердан топса олишга ҳақлироқдир», - дейилган (Имом Термизий ривояти). Айни шу маънода яна: «Хикматни қайси идишдан чиқсан бўлса ҳам олавер, зарари йўқ» дейилади.

Шунинг учун ҳам бугун жамият ёш аҳли илмларга, илмига амал қиладиган олимларга, иффатли, маънан пок ёшларга муҳтождир.

Инсон илми билан юксалади, меҳнати билан улуғлика етади, иффати ва гўзал ахлоқи билан ҳақиқий тирик инсонга айланади. Шайх Мухаммад Ҳойр Шаъол таъкидлаганидек: «Зоро, илм жасад, одоб эса унинг жонидир Илмли, лекин одобсиз инсон худди жонсиз ҳайкалга ўхшайди» {26, 73-74}.

Ҳа, агар кишилар илмда, меҳнатда юксалсалар, аммо иймон ва иффат қалқони билан ҳимояланмасалар, алалоқибат ҳаром-хариш, гуноҳ ишларга мубтало бўладилар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Менга ўзингиздаги олти нарсанинг кафолатини беринг, мен сизларга жаннатнинг кафолатини бераман: сўзласангиз, рост сўзланг, ваъда берсангиз, вафо қилинг, бирон омонат ишониб топширилса, омонатни адо этинг, фаржларингизни (ҳаромдан) муҳофаза қилинг, кўзларингизни тўсинг ва қўлларингизни (зулмдан) тийинг» (Имом Аҳмад ривояти).

CONCLUSION

Илмий тарбия ақлни ўстиради, турли билимлар, у хоҳ диний бўлсин, хоҳ дунёвий, инсон дунёқарашини кенгайтиради, ўзи яшаётган муҳит билан муносабатида унга фойда беради. Ислом илм эшикларини ҳеч қачон ёпган эмас, ҳамиша очиқ қолдирган, унга кирувчиларни қўллаб қувватлаган.

Бас, шундай экан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида»ги Қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини



тасдиқлаш тұғрисида», «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тұғрисида»ги фармонларида белгилаб берилган: «Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рүёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқатворнинг андозаларини ўзgartириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари, кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг мұхым шартидир», деган ҳаётбахш қоида илгари сурилган экан, бу мұқаддас Ҳадиси шариф талабларига ҳамоҳангидир. Чунки, ҳадисларнинг ўзидек, илм, маърифат ҳам умумбашарият мулки, халқ педагогикасининг ноёб дурданаси бўлмоғи даркор.

REFERENCES:

1. Куръони Карим.-Т.: 1992
2. Мұхаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар.-Т.: Камалак, 1991.
3. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий Ҳадис 4 томлик.-Т.: Қомуслар Бөш таҳририяти. 1991-1997.
4. Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрود. (Адаб дурданалари).-Т.: «Мовароуннаҳр», 2006.
5. Абу Исо Ат-Термизий. Аш Шамоил Ан-набавийа.-Т.: «Чўлпон», 1993.
6. Абу Исо Термизий. Саҳихи Термизий: Танланган ҳадислар.-Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 1993.
7. Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: «Ўқитувчи», 1992.
8. Аждодлар ўғити.-Т.: «Чўлпон», 1991.
9. Алихонтўра Соғуний. Тарихи Мұхаммадий. 1 ва 2-китоб.-+Т.: 1991.
10. Алихонтўра Соғуний. Баҳтлик надур? Шеърлар тўплами.-Т.: «MUNIR» нашриёти, 2021.
11. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.-Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
12. Бухорий С.С. Дилда ёр.-Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
13. Буюк юрт алломалари.-Т.: «Ўзбекистон», 2020.
14. Донолар хазинасидан.-Т.: «Ўқитувчи», 1978
15. Имом Бухорий таърифи.-Т.: «Чўлпон», 1996.
16. Ислом динининг асослари.1-китоб.-Т.: Внешторгиздат, 1991.
17. Комил инсон ҳақида тўрт рисола.-Т.: «Маънавият», 1997.
18. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб.-Т.: «Ёзувчи», 1996.
19. Комилов Н. Тафаккур карvonлари.-Т.: «Маънавият», 1999.
20. Машриқзамин-хикмат бўстони.-Т.: «Шарқ», 1997.
21. Муфтый Усмонхон Алимов. Тафсири ирфон.-Т.: «SHARQ», 2012.
22. Насафий. Хожа Аҳмад Яссавий.-Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
23. Самарқандий, Васлий. Имом Аъзам тарихи.-Т.: «Ёзувчи», 1995.
24. Фатхуллоҳ ҳожи Неъматуллоҳ ўғли. Илм китоби.-Т.: 2007.
25. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Яхшилик ва ахлоқ китоби.-Т.: «Шарқ» 2008.



26. Шайх Мұхаммад Хойр Шаъол. Исломда ёшлар тарбияси.-Т.: 2021.
27. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эзгуликка боғлан одамзод. 2-китоб.-Т.: «Шарқ», 1997.
28. Ҳазрати Ҳожа Убайдулло Аҳрор. Рисолаи волидия.-Т.: «Ёзувчи», 1991.
29. Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари.-Т.: «Шарқ», 2004.
30. Ҳикмат дурдоналари.-Т.: «Меҳнат», 1993.

